

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАХАМАДЖАНОВ АКБАР МАХАМАДАЛИЕВИЧ**

**МИЖОЗЛАРГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАРКЕТИНГ**  
**СТРАТЕГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ АСОСИДА ТИЖОРАТ**  
**БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.11 – Маркетинг**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the  
doctor of philosophy (PhD) on economics sciences**

**Махамаджанов Акбар Махамдалиевич**

Мижозларга йўналтирилган маркетинг стратегияларидан фойдаланиш  
асосида тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш.....3

**Махамаджанов Акбар Махамдалиевич**

Совершенствование деятельности коммерческих банков на основе  
использования клиентоориентированных маркетинговых стратегий.....27

**Makhamadjanov Akbar Makhamadaliyevich**

Improving the activities of commercial banks based on the use of customer-  
oriented marketing strategies.....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАХАМАДЖАНОВ АКБАР МАХАМАДАЛИЕВИЧ**

**МИЖОЗЛАРГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАРКЕТИНГ**  
**СТРАТЕГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ АСОСИДА ТИЖОРАТ**  
**БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.11 – Маркетинг**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.4.PhD/Iqt2270 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Юсупов Махамадамин**

иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Акрамов Тохир Абдирахмонович**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Холмаматов Диёр Ҳақбердиевич**

иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD), доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент Молия институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2020.I.16.02 рақамли илмий кенгашнинг 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил:100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: [info@tdiu.uz](mailto:info@tdiu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49 уй. Тел.: (99871) 239 – 28 - 72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: [info@tdiu.uz](mailto:info@tdiu.uz)

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.

(202\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**Г.К.Абдурахманова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**Р.Х.Карлибаева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, DSc, профессор

**Ш.Дж. Эргашходжаева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда инновацион иқтисодийнинг ривожланиши банк соҳасида анъанавий банк шакллари билан бир қаторда хизмат кўрсатишнинг замонавий онлайн шакллари ривож, иккинчи томондан COVID-19 пандемияси оқибатида истеъмолчиларга молиявий хизмат кўрсатиш тизими мураккаблашиб бориши шароитида мижозлар билан вертуал бозорда эҳтиёжларига мослашувчан маркетинг воситаларидан кенг фойдаланиш тенденцияси кузатилмоқда. Жаҳон банки, Жаҳон молиявий технологиялари (World FinTech Report) ҳамда Жаҳон чакана банк хизматлари (World Retail Banking Report)нинг маркетинг тадқиқотларига кўра “2020-2024 йилларда истеъмолчиларнинг нобанк ташкилотларининг онлайн банк хизматларидан фойдаланиш даражаси ўсиб бормоқда. Унда Осиё бозори етакчи ҳисобланади”<sup>1</sup>. 2020 йил ҳолатига дунё бўйлаб 1,9 миллиардга яқин жисмоний шахслар онлайн-банкнинг хизматларидан фаол фойдаланмоқда, Бугунги кунда мижозларга йўналтирилган маркетинг стратегияларидан фойдаланиш асосида тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш долзарб муаммо сифатида қаралмоқда.

Жаҳон банк маркетинги амалиётида рақобатбардош устунлигини таъминлашда мижозларга йўналтирилган маркетинг концепцияларидан фойдаланишнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштиришга бағишланган илмий изланишларга катта аҳамият қаратилмоқда Бу борадаги инновацион стартаплар ва нобанк институтлари анъанавий банк хизматларини тақдим этувчилар учун мавжуд мижозларни сақлаб қолиш, молиявий хизмат кўрсатишнинг онлайн шакллари янада ривожлантириш, жаҳон молия бозорининг фундаментал асосчилари тижорат банкларида мижозга йўналтирилган маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш каби йўналишдаги илмий-тадқиқотлар устувор даражада бажарилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида жаҳон андозаларига мос ҳолда банк тизимини янада ривожлантириш, тижорат банкларининг ликвидлигини ошириш ва молия бозорини тартибга солишдаги ролини янада ошириш, соҳада соғлом рақобатни чуқурлаштириш каби йўналишларда кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. “2021 йил бошига Республикада банк активларининг ЯИМга нисбати 63,1 фоизни, кредит қўйилмалари эса 47,7 фоизни ташкил этиб, 2020 йилга нисбатан барқарорлик таъминланди”<sup>2</sup>. Ислохотлар доирасида тижорат банкларига аҳолининг ишончини мустахкамлаш, тадбиркорлик субъектлари билан тўлақонли ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишда замонавий маркетинг стратегиялари мақсадли қўллаш, аҳоли ва хўжалик субъектларининг банк тизимига ишончли институтчионал ҳамкор сифатида қарашларини мустахкамлаш, аҳолининг бўш пул маблағларидан самарали фойдаланиш каби вазифалар амалга оширилмоқда. Бу борада тижорат банкларида мижозларга йўналтирилган маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш, банкларнинг иқтисодий барқарорлигини ошириш, банк тузилмалари рентабеллик даражасини ошириш

<sup>1</sup> <https://www.statista.com/statistics/1228757/online-banking-users-worldwide/>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик бюллетени. Тошкент 2021 й.

ҳамда маркетинг коммуникацияси ва ўзаро муносабатлар омиллари таъсирини ҳисобга олган рақамли маркетинг технологиялари ва интернет банки тизимининг миждозлар билан коммуникация жараёнларини такомиллаштириш каби йўналишларда илмий изланишларни янада чуқурлаштириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 21 мартдаги ПФ-2564-сон “Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”, 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сон «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва соҳага оид бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тижорат банклари рақобатбардошлигини миждозга йўналтирилган маркетинг стратегиялари асосида оширишга қаратилган илмий тадқиқотларнинг айрим назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлардан<sup>3</sup> Ж.Ж.Ламбен, Ф.Котлер, М.Портер, Е.Дихтель, Е.П.Голубков, Ж.Ал Самидай, Д.И.Баркан, А.В.Буздалин, Т.Амблерларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида бу борада Ю.М. Вайвер, С.А. Костерина, О.И. Лаврушин, .М. Тавасиев сингари олимлар<sup>4</sup> тадқиқотлар олиб борган. Мазкур олимларнинг илмий ишларида тижорат банклари барқарорлиги ва ликвидлилигини таъминлаш, банкларнинг банк хизматлари

<sup>3</sup> Ж.Ж.Ламбен. «Стратегический маркетинг» – СПб.: «Наука», 2006 г.; Ф.Котлер, Ф.Армстронг, Г.Сондерс, Д.Вонг. «Основы маркетинга» – СПб.: Вильямс, 2008 г.; Майкл Е. Портер. «Конкурентная стратегия: Методика анализа отраслей и конкурентов». Пер. с англ. – М.: Альпина Бизнес Букс. 2005. – 454с.; Е.Дихтель, Х.Хершген. «Практический маркетинг», учеб. пособие / пер. с нем. Макарова А.М.: под ред. Минко И.С. – М.: Высш. шк. 1995. –225с.; Е.П.Голубков. «Маркетинговые исследования: теория, методология и практика» – М.: Финпресс, 2008 г.; Mahmud, J.Al Samydai, Ibrahim, Alnawas A.M. and Rodina A. Yousif, 2010. «The Impact of Marketing Innovation on Creating a Sustainable Competitive Advantage», The Case of Private Commercial Banks in Jordan. Asian Journal of Marketing, 4: 113-130.; Д.И.Баркан. «Маркетинг для всех: Беседы для начинающих». – J.L.: Редакционно-издательский центр «Культ-информ-пресс» совместно с социально-коммерческой фирмой «Человек», 1991. – 256с.; А.В.Буздалин. «Надежность банка: От формализации к оценке», 2012. – 192с.; Т.Амблер. «Практический маркетинг» /Пер. с англ. под общей ред. Ю. Н. Каптуревского. – СПб: Издательство «Питер», 1999. – 400 с.;

<sup>4</sup> Вайвер, Ю.М. Проблемы стратегического управления системой взаимодействия с корпоративными клиентами в коммерческом банке / Ю.М. Вайвер // Вестник Академии. – 2014. – №3 (40). – С. 39-42.; Костерина, Т.М. Кредитный менеджмент в банке: учебно-методический комплекс / Т.М. Костерина. – М.: Евразийский открытый ин-т, 2012. – 270 с.; Банковское дело / коллектив авторов под ред. О.И. Лаврушина, Н.И. Валенцевой. – М.: КНОРУС, 2016. – 800 с.; Банковское кредитование: учебник / А. М. Тавасиев, Т. Ю. Мазурина, В. П. Бычков. – 2-е изд. – М.: НИЦ ИНФРА-М, 2015. – 366 с.

бозоридаги мавқеини ошириш ва молиявий механизмлари асосида рақобатбардошлигини таъминлашнинг илмий қарашлар ва мижозга йўналтирилган маркетинг стратегияларидан фойдаланишнинг айрим жиҳатларига эътибор қаратилган.

Республикамиз банкларида мижозларга йўналтирилган маркетинг стратегияларидан фойдаланишга қаратилган масалалари М.Болтабоев, Ш.Эргашходжаева, О.А.Ортиқов, З.Б.Мустафаев, Д.Н.Аллаёрова, Б.М.Мирзамайдинов, Г.Бекмуродова, Н.А. Карабаев, М.Б. Мўминова, М.М.Абдурахманова, Ж.А. Юлдашев ва бошқа кўплаб олим ва мутахассислар илмий изланишларида ўз аксини топган<sup>5</sup>.

Санаб ўтилган олимларнинг иқтисодиёт фанига қўшган салмоқли ҳиссасига қарамай, тижорат банкларда мижозларга йўналтирилган маркетинг стратегияларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда замонавий усуллар, онлайн банк хизматлари кўрсатишда мижозлар эҳтиёжларига мослашувчан воситаларидан фойдаланиш, банк хизматлари бозорини инновацион ёндашувлар асосида ривожлантириш, ахборот-коммуникация технологиялари, Интернет маркетинг ва ахборот тармоқларида маркетинг тамойилларини қўллаш, мижозларга йўналтирилган маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишнинг комплекс ёндашувларни ўзига хос йўналишларини танлаш хусусиятлари инобатга олинмаган. Шунинг учун, банкларда истеъмолчиларга йўналтирилган маркетинг стратегияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқот Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ МУ-ПЗ-20172025262 “Тижорат банкларида

---

<sup>5</sup> Болтабоев М.Р. Тўқимачилик саноатида маркетинг стратегияси. Монография – Т.: Фан, 2004.; Эргашходжаева Ш., Қосимова М. С., Юсупов М. Marketing. - Т.: ТДИУ, 2018. - 232 б.; М.Муминова Ахборот коммуникация хизматлари бозорини ривожлантиришда инновацион маркетинг стратегияларидан фойдаланиш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. ТДИУ., 2018 й. 56 б: О.А.Ортиқов. «Банклараро рақобат шароитида банк хизматлари ва уларни такомиллаштириш йўллари». Иқтисод фанлари номзоди диссертация автореферати – Т.:2009 й.; З.Б.Мустафоев. «Банк маркетинги – молия бозори шаклланиши ва ривожланишининг асоси». Иқтисод фанлари номзоди диссертация автореферати – Т.:1998 й.; Д.Н.Аллаёрова. «Эффективность маркетинга в деятельности коммерческих банков Республики Узбекистан». Иқтисод фанлари номзоди диссертация автореферати – Т.:2009 й.; Б.М.Мирзамайдинов. «Банк хизматида маркетинг самарадорлиги (Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банк мисолида)». Иқтисод фанлари номзоди диссертация автореферати – Т.:2008 й.; Бекмуродова Г. Тижорат банклари рақобатбардошлигини оширишнинг инновацион маркетинг концепциясини такомиллаштириш. 08.00.11 – Маркетинг. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси автореферати. Тошкент. ТДИУ. 2018 йил. 9-бет; Карабаев Н.А. Тижорат банклари фаолиятини рейтинг тизими асосида баҳолашни такомиллаштириш. 08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси автореферати. Тошкент. ТДИУ. 2018 йил. 9-бет.; М.Б. Мўминова. Тижорат банклари актив операцияларини бошқариш стратегиясини такомиллаштириш. 08.00.07 - Молия, пул муомаласи ва кредит. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси автореферати. Тошкент. ТДИУ. 2018 йил. 9-бет; М.М.Абдурахманова. Банк хизматлари бозорида маркетинг фаолиятини ривожлантириш. 08.00.13 - “Менежмент ва маркетинг”. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент. ТДИУ. 2010 йил. 14-бет; Ж.А.Юлдашев. Тижорат банклари рақобатбардошлигини мижозга йўналтирилган маркетинг стратегиялари асосида ошириш. 08.00.07 – «молия, пул муомиласи ва кредит» ҳамда 08.00.11 – Маркетинг ихтисосликларида иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертацияси. Тошкент 2021 й.

масофавий банк хизматларини ривожлантириш йўллари” мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** банкларда миждозларга йўналтирилган маркетинг стратегияларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тиждорат банкларида миждозлар билан муносабатларни ўрнатиш ҳамда миждозлар билан муносабатлар маркетингининг эмпирик тадқиқотларини шархлаш;

тиждорат банкларида маркетинг стратегияларидан фойдаланишнинг илмий-назарий асослари ва банкларда истеъмолчиларга йўналтирилган маркетинг стратегияларидан фойдаланиш йўллари аниқлаш;

тиждорат банкларида миждозлар билан муносабатларни бошқариш тизими самарадорлигини белгилаб бериш;

Ўзбекистон тиждорат банкларининг маркетинг фаолиятини таҳлил қилиш ва ривожланиш тенденцияларини аниқлаш;

тиждорат банкларида “миждоз-банк” тизимининг мавжуд ҳолатини баҳолаш бўйича услубий ёндашувларни тизимлаштириш;

тиждорат банклари фаолиятини миждоз нуқтаи назаридан баҳолаш усулини ишлаб чиқиш;

банкларда миждозларга йўналтирилган маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш жараёнларини такомиллаштириш;

банкларда миждозлар билан муносабатларни рақамли маркетинг стратегиялари асосида ошириш;

банкларда миждозларга йўналтирилган самарали маркетинг стратегияларини танлаш бўйича услубий тавсия тайёрлаш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида “Ипотека-банк” АТИБ миждозлар билан ишлаш фаолияти танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб, банкларда миждозларга йўналтирилган маркетинг стратегияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган жараёнларда содир бўладиган муносабатларни ўрганиш масалалари мажмуаси ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида таҳлил ва синтез, статистик гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, иқтисодий-статистик баҳолаш, корреляцион-регрессион таҳлил, прогнозлаш, кузатув-сўров, SWOT, PLS таҳлил ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тиждорат банкларининг маркетинг фаолиятини бошқариш тизими миждоз учун қўшимча қиймат яратиш, банк бўлимлари ва ҳар бир канали (филиал, алоқа маркази) рентабеллик даражасини таъминлашга кўра миждозга максимал даражада йўналтирилган тиждорат банкининг миждозлар билан муносабатларини бошқариш концепциясига асосланган ҳолда таклиф этилган ташкилий-иқтисодий механизмга кўра такомиллаштирилган;

тиждорат банклари фаолиятини миждоз нуқтаи назаридан PLS алгоритмига кўра баҳолаш усули ишонч, миждоз муаммосини ҳал қилиш, маркетинг

коммуникацияси ва ўзаро муносабатлар омиллари таъсирини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган ҳамда интернет банк тизимининг мижозлар билан коммуникация жараёнларини такомиллаштириш бўйича йўл харитаси ишлаб чиқилган;

“Ипотека-банк” АТИБ мижозлар билан ишлаш бўлимининг фаолиятини корпоратив маданиятни рақамлаштиришга асосланган “банк-мижоз учун” тамойилига кўра қайта ташкил этишнинг иқтисодий жиҳатдан самарали эканлиги асослаб берилган;

молиявий истиқболлар, истиқболли мижозлар, мижозларга яқинлик, ички операцион фаолият ва илмий-инновацион фаолият самарадорлиги уйғунлигига кўра тижорат банклари рақамли маркетинг “онлайн банк стратегия харитаси” таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тижорат банкларида мижозлар сиёсатини бошқариш жараёнларини баҳолаш усуллари таснифи ишлаб чиқилган;

банк хизматларини тақдим этиш ва мавжуд хизматлардан мижозларнинг қониқишини аниқлаш моделлари тизимлаштирилган;

тижорат банклари фаолияти натижаларини таҳлил қилишнинг асосий усуллари таснифланган;

баланслашган кўрсаткичлар тизими концепцияси доирасида банк фаолиятининг стратегик компонентлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, назарий маълумотлар расмий манбалардан олинганлиги, берилган илмий-назарий таклиф ва тавсиялар амалда синовдан ўтказилганлиги, ишлаб чиқилган маркетинг тадқиқот усулларини амалиётга жорий этилганлиги ва натижаларнинг тижорат банклари ҳамда давлат органлари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган хулосалар ва тавсиялар тижорат банкларида мижозларга йўналтирилган маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш, уларнинг бозор фаолиятини самарадорлигини ошириш ҳамда маркетинг фаолиятини ривожлантиришнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таклиф ва тавсиялар банк хизматлари бозорида мижозга йўналтирилган маркетинг стратегиялари ва дастурлари ҳамда ахборот базаларини шакллантиришга хизмат қилиши, тижорат банкларнинг бозор фаолиятининг концептуал асосларини такомиллаштиришда, қисқа ва узоқ муддатларга мўлжалланган маркетинг стратегияи ва дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилиши ҳамда “Банк хизматлари маркетинги”, “Инновацион маркетинг”, “Интерактив ва рақамли маркетинг”, “Банк иши”, “Банк фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш” ва бошқа фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Банкларда истеъмолчи мижозларга йўналтирилган маркетинг стратегияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тижорат банкларининг маркетинг фаолиятини бошқариш тизими мижоз учун қўшимча қиймат яратиш, банк бўлимлари ва ҳар бир канали рентабеллик даражасини таъминлашга кўра мижозга максимал даражада йўналтирилган тижорат банкининг мижозлар билан муносабатларини бошқариш концепциясига асосланган ҳолда таклиф этилган ташкилий-иқтисодий механизм “Ипотека-банк” АТИБ амалиётига жорий этилган (“Ипотека-банк” АТИБнинг 2022 йил 18 февралдаги 1154/441-сонли маълумотномаси). Илмий янгиликни амалиётга жорий этилиши натижасида “Ипотека-банк” АТИБ мижозлар билан ишлаш операциялар харажатлари 6,9 фоизга камайишига эришилган;

тижорат банклари фаолиятини мижоз нуқтаи назаридан баҳолашнинг такомиллаштирилган усули ва интернет банк тизимининг мижозлар билан коммуникация жараёнини такомиллаштириш бўйича йўл харитаси “Ипотека-банк” АТИБ фаолиятига 2021 йиллик бизнес режасининг 4.2 банди асосида жорий этилган (“Ипотека-банк” АТИБнинг 2022 йил 18 февралдаги №1154/441-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифга кўра “Ипотека-банк” АТИБ мижозлар билан коммуникация жараёнини такомиллаштириш бўйича йўл харитаси ишлаб чиқилиб, АТИБнинг 2021 йиллик бизнес режасининг 4.2-бандида ўз аксини топган;

тижорат банкларида мижозлар билан ишлаш бўлимининг фаолиятини корпоратив маданиятни рақамлаштиришга асосланган “банк-мижоз учун” тамойилига кўра қайта ташкил этиш бўйича таклиф “Ипотека-банк” АТИБ фаолиятига жорий этилган (“Ипотека-банк” АТИБнинг 2022 йил 18 февралдаги 1154/441-сонли маълумотномаси). Илмий янгиликни жорий этилиши натижасида “Ипотека-банк” АТИБнинг корпоратив мижозлар сони 6,3 фоизга ва чакана мижозлар сони 9,4 фоизга ошган;

молиявий истикболлар, истикболли мижозлар, мижозларга яқинлик, ички операциялар фаолият ва илмий-инновацион фаолият самарадорлигига кўра тижорат банклари рақамли маркетинг стратегиялари “онлайн банк стратегия харитаси” “Ипотека-банк” АТИБ фаолиятига жорий этилган (“Ипотека-банк” АТИБнинг 2022 йил 18 февралдаги 1154/441-сонли маълумотномаси). Илмий янгиликни жорий этилиши натижасида “Ипотека-банк” АТИБ IT инфратузилмасини “Банк-мижоз дастурлари” асосида такомиллаштирилиб, банкнинг чакана банк хизматлари бозоридаги улуши 1,3 фоизга оширишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда 5 та илмий мақола, шундан 5 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация ҳажми жами 153 бетдан иборат бўлиб, 24 жадвал ва 10 та расм келтирилган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мижозларга йўналтирилган маркетинг стратегияларидан фойдаланиш асосида тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш назарияси ва услубий асослари”** деб номланган биринчи бобда, тижорат банкларида маркетинг стратегияларидан фойдаланишнинг илмий-назарий асослари ўрганилган, банкларда миждозларга йўналтирилган маркетинг стратегиялари таснифланган миждозлар билан муносабатларни бошқаришнинг усул ва воситалари аниқланган. Тижорат банкларида миждозлар билан муносабатларни бошқариш жараёни тавфсифланган.

Банк маркетинги маркетингнинг ихтисослашган соҳаси бўлиб, у банк хизматлари бозорида юзага келган ва ривожланаётган рақобат асосида пайдо бўлган. Банк маркетинги концепцияси ривожланган мамлакатларда янги рақобатчиларнинг пайдо бўлиши, бозор имкониятларининг чекланиб бориши ва рақобатнинг кучайиши туфайли молиявий секторнинг ва билвосита банк секторининг сезиларли ўсишидан кейин ривожланди.

Банк маркетинги - бу универсал банклар (тижорат банклари: жамғарма ва кооператив банклар) ва ихтисослашган банклар (ҳақиқий кредит ташкилотлари, инвестиция компаниялари ва бошқалар) соҳасида қўлланиладиган маркетингдир. Молиявий хизматлар бозорида банклар муҳим роль ўйнайди ва молиявий хизматларни асосий таклиф қилувчилар ҳисобланади. Банк хизматлари бозорида кучли рақобат муҳити шаклланганлиги билан аҳамиятли бўлиб, ушбу бозорда мақсадли ҳаракат қилиш учун нафақат молиявий муносабатлар, балки маркетинг ҳам юқори даражада аҳамият касб этади.

Илмий тадқиқот ишларини ўрганиш ва умумлаштириш асосида диссертацияда “банк маркетинги” тушунчасига муаллифлик ёндашуви таклиф этилган. Муаллиф фикрича, “банк маркетинги - бу миждозларнинг молиявий (ва бошқа тегишли) эҳтиёжлари ва истакларини рақобатчиларга нисбатан тезкор ва самаралироқ қондиришга қаратилган хизматларни кўрсатишга йўналтирилган функциялар йиғиндиси” сифатида қаралган. Ушбу функциялар йиғиндиси миждозларнинг эҳтиёжларини аниқлаш, яратиш, уйғотиш ва уни қондириш бўйича интеграциялашган ҳаракатлардан иборат бўлган индивидуал ҳаракатлар йиғиндиси эканлиги асосланди.

Диссертацияда замонавий муносабатлар маркетинги эса, тижорат банкларининг банк хизматлари бозорида узоқ муддат самарали фаолият юритишининг асосий концепцияси сифатида қаралиши лозимлиги асосланган. Ушбу стратегиялар банклар ва миждозлар ўртасида узоқ муддатли

муносабатларни ўрнатишга ёрдам берадиган алоқа, шахсийлаштириш, мукофотлаш ва ишончга бўлинган.

Марказий банк ҳисоботида кўра<sup>6</sup>, Ўзбекистонда 2021 йилда, жами кредит ташкилотлари сони 148 тани ташкил этиб, 13 та давлат улуши мавжуд банклар, 17 та хусусий сектор банклари фаолият юритган. Тижорат банклари филиаллари сони 853 тага етган. Яхши ишлаб чиқилган рақобатли маркетинг стратегиясиз банклар узоқ муддатли муваффақиятга эриша олмайди. Афсуски, муносабатлар маркетинги ҳаракатларининг банк соҳасида мижозлар хатти-ҳаракатларига таъсирига қаратилган тадқиқотлар Ўзбекистон олимлари томонидан кам ўрганилган. Илмий-назарий қарашлардан маълум бўладики, ўзаро муносабатлар маркетинги ва унинг мижозларга йўналтирилган миссияси замонавий шароитда тижорат банкларининг самарали фаолият юритишида муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистонда тижорат банклари “банк-мижоз” тамойили асосида ўзаро муносабатлар маркетинги учун асос бўладиган маркетинг комплексини ишлаб чиқиш билан боғлиқ вазифаларни белгилаш мақсадга мувофиқ. Бу эса замонавий банк амалиёти учун маркетинг-мих комплексини шакллантириш лозимлигини белгилаб беради.

Илмий адабиётларда келтирилган маҳаллий ҳудудий банклар ва уларнинг мижозлари ўртасидаги муносабатлар динамикаси ҳам амалга оширилаётган ишбилармонлик алоқалари мустаҳкамланиб, уларнинг шериклик муносабатларига интилаётганидан далолат беради (1-жадвал).

1-жадвал

### Тижорат банклари ва уларнинг мижозлари билан алоқаларини ривожлантиришнинг маркетинг воситалари<sup>7</sup>

Муносабатлар номи	Даражаси	Тегишли даражада муносабатлар ўрнатиш мақсади
Бошланғич муносабатлар	Асосий банк хизматларини кўрсатиш	Ҳар бир алоҳида алоқани тезлаштириш ва соддалаштириш учун ҳамкорликнинг типланиши ва типологияси
Реактив муносабатлар	Мижознинг саволлари ва истакларига банк ходимининг тезкор жавоби	Истеъмолчининг хоҳиш-истакларининг ўзгаришига мослаштирилган жавоб, консалтинг хизматлар, банк маҳсулотига бўлган талабни кузатиш
Жавобгарлик муносабатлар	Шикоят ва истакларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш учун банк ходимларининг истеъмолчилар билан алоқа ҳамкорлиги	Бозорга чиқарилган ва мижозларга таклиф этилаётган банк маҳсулотларини такомиллаштириш мақсадида мунтазам равишда алоқа ҳамкорлиги схемасини яратиш.
Актив муносабатлар	Истеъмолчиларни янги банк маҳсулотлари мавжудлиги тўғрисида тезкор хабардор қилиш	Банк маҳсулотларини тақсимлаш жараёнини осонлаштириш, истеъмолчиларнинг индивидуал эҳтиёжларини ҳисобга олишга уриниш
Ҳамкорлик муносабатлари	Истеъмолчилар билан (реал ва потенциал) "барча жабҳаларда" яқин ҳамкорлик	Шахсий сўровларни ҳисобга олишга, мижозларнинг банкка узоқ муддатли содиқлигини таъминлашнинг самарали дастурларини яратишга эътибор қаратиш

Тижорат банкларининг мақсадли маркетинг концепцияси сифатида таклиф этилаётган мижозлар билан узоқ муддатли муносабатлар ўрнатиш, маркетинг муносабатларини бошқариш учун банк ресурсларини оптималлаштириш CRM

<sup>6</sup> <https://cbu.uz/upload/medialibrary/1c5/Kredit-tashkilotlari-va-banklar-tarkibiy-bulinmalari-soni.pdf>

<sup>7</sup> Муаллиф ишланмаси

технологияларисиз мумкин эмас. CRM (Customer Relationship Management) - бу маркетинг ўзаро муносабатлари, шериклик, муносабатларни индивидуаллаштириш ва муносабатларнинг юқори қийматини шакллантириш орқали мижозларни сақлаб қолиш ва жалб қилишга қаратилган мижозлар билан муносабатларни бошқариш технологиясидир.

Мижозлар билан муносабатлар маркетинги (CRM) тизими банкка мижозлар билан ҳамкорликни ривожлантириш ва шу асосда мижозларнинг ягона маълумотларини яратиш учун кенг имкониятлар яратади. Шу муносабат билан, тижорат банкларининг мижозлари билан муносабатларини (CRM) бошқариш концепциясига асосланган ташкилий-иқтисодий механизми 2-расмда келтирилган. Банкларнинг CRMга асосланган тизимини яратишда банкнинг таркибий бўлинмаларининг хусусиятлари ва уларнинг ўзаро интеграциясини таъминлаш муҳим ҳисобланади. У бизнес стратегиясини (миссия, мақсадлар, вазифалар), бизнес жараёнларини, ташкилий тузилмани, инфратузилмани ва улар ўртасидаги муносабатларни ўз ичига олади.


Шундай қилиб, тижорат банкларининг маркетинг фаолиятини бошқариш тизими мижоз учун қўшимча қиймат яратиш, банк бўлимлари ва ҳар бир канали (филиал, алоқа маркази ва бош.) рентабеллик даражасини таъминлашга кўра мижозга максимал даражада йўналтирилган тижорат банкининг мижозлар билан муносабатларини бошқариш (CRM) технологияларига асосланган ташкилий-иқтисодий механизмдан фойдаланиш тижорат банкларига мижозларини жалб қилиш, сақлаб қолиш ва уларнинг содиқлигини ошириш муаммоларини ҳал қилиш имконини беради.

Диссертациянинг **“Тижорат банкларида мижозларга йўналтирилган маркетинг стратегияларидан фойдаланиш самарадорлиги”** деб номланган иккинчи бобида, Ўзбекистон тижорат банкларининг маркетинг фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг мавжуд ҳолати таҳлили қилинган. Тижорат банкларида “мижоз-банк” тизимининг мавжуд ҳолатини баҳолаш бўйича методологик ёндашувлар ўрганилган. “Ипотека-банк” АТИБнинг муносабатлар маркетинг амалиёти мижоз нуқтаи назаридан баҳоланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонида “...давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини яқунлаб, 2026 йил якунига қадар банк активларида хусусий сектор улуши 60 фоизгача чиқариш”<sup>8</sup> вазифаси белгилаб берилган. Белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш жараёнида 2022-2026 йиллар давомида Ўзбекистон банклари миллий иқтисодиётини ривожланишига муносиб таъсир эта олувчи қудратли тизимга айланади. Асосий эътибор “Банк-мижоз учун” тамойиллари асосида замонавий маркетингнинг мижозларга йўналтирилган стратегияси асосида ривожланиш босқичига ўтиш кўзда тутилган.

---

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони, Халқ сўзи, 2022 йил 1 февраль, №23(8085).




1-расм. Тижорат банкларнинг миждозлари билан муносабатларни (CRM) бошқариш концепциясига асосланган маркетинг бошқарув тизимининг миждозларга қиймат яратишга имкон берувчи ташкилий-иқтисодий механизми<sup>9</sup>

<sup>9</sup> Муаллиф ишланмаси

2021 йил бошида республикада жами кредит ташкилотлари сони 159 тани ташкил этган бўлиб, уларнинг 32 таси тижорат банклари ҳисобланади. Тижорат банклари филиаллари сони эса 861 тани ташкил этади. Банк хизматлари марказлари (хизмат офислари ва минибанклар) сони эса 1 222 тани ташкил этган бўлса, 24/7 тамойили асосида доимий фаолият юритувчи шохобчалар 1452 тани ташкил этган.

Марказий банкнинг ҳисоб-китоб клиринг тизими орқали амалга оширилган транзакциялар йиллар давомида ошиб бориши кузатилмоқда. Марказий банкнинг ҳисоб-китоб клиринг тизими орқали амалга оширилган транзакциялар 2020 йилда 66609751 мартани ташкил этиб, уларнинг миқдори 24915,0 млрд. сўмни ташкил этган. 2017 йилда бу кўрсаткичлар мос равишда 40432379 мартани ва 5205,7 млрд.сўмни ташкил этган (2-расм).



**2-расм. Марказий банкнинг ҳисоб-китоб клиринг тизими орқали амалга оширилган транзакциялар<sup>10</sup>**


Тижорат банклари томонидан мижозларга хизмат кўрсатиш бўйича замонавий хизмат турлари кенгайиб борган. Банк хизматлари истеъмолчилар билан муносабатлар тизимини самарали амалга ошириш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини янада такомиллаштириш ва замонавий тенденциялар ва ҳорижий тажрибалардан фойдаланиш асосида хизмат турларини кенгайтиришга алоҳида аҳамият қаратилган.

Банк карталари бўйича операцияларнинг асосий қисми хизмат кўрсатувчи тўлов терминаллари, банкоматлар ва инфокиосклар орқали амалга оширилган. Амалдаги терминаллар сони ҳар 100 минг аҳоли учун 2010 йилда 217 та бўлса, 2021 йилда 1269 донани ташкил этган. Аҳолининг пластик карталар билан қамров даражаси 2010 йилда 22 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб 75 фоизни ташкил этган. Жаҳонда кузатилган тенденцияларда ҳам масофавий банк хизматларидан фойдаланиш даражаси Ўзбекистонда масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчиларнинг сони 2021 йилга келиб 14,5 млн. дан ошган.

Ўзбекистонда 2021 йил якуни бўйича банк мижозлари сони 2078708 ташкил этиб, 2011 йилга нисбатан 61 фоизга, ҳисоб варақлар сони эса 52,8 фоизга ошган. Ўзбекистон банк депозиторлари базасида сақланаётган мижозларнинг ҳисоб

<sup>10</sup> Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг материаллари асосида тайёрланган.

варақлари сони йилдан-йилга ортиб бориши кузатилаётган бўлсада (3-расм), банк хизматлари бўйича аҳолини қамров даражаси ҳалигача юқори эмас.<sup>11</sup>



**3-расм. Ўзбекистон банк депозиторлари миллий ахборотлар базасида рўйхатга олинган мижозлар ва уларнинг ҳисоб варақлари бўйича маълумот<sup>12</sup>**

Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тўловлар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ банклараро тўлов тизими Марказий банкда очилган вакиллик ҳисоб варақлари орқали амалга ошириш учун мўлжалланган бўлиб, мазкур тизим халқаро андозаларга жавоб берувчи самарали электрон тўловлар тизими ҳисобланади.

Молиявий хизматлар бозорида шаклланаётган рақобат ва инновацион технологияларни шиддат билан банк амалиётига кириб келиши, уларнинг бозорда узоқ муддат истиқболда ривожланиши учун барча омилларни ҳисобга олган ҳолда ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишни тақозо этади.


Банк фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш бўйича илмий адабиётларда мавжуд ёндашувларни ўрганиб чиқиш натижасида экзоген ва эндоген омилларни аниқлаш мумкин. Тижорат банклари фаолиятининг икки томонлама хусусиятини инобатга олган ҳолда омилларни субъектив ва объективга бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётларда тижорат банклари фаолияти самарадорлигини таҳлил қилишнинг хилма-хил усуллари келтирилган, аммо уларнинг барчасини, самарадорликни баҳолаш имконини бермайди. Аксарият ҳолатларда тижорат банкларининг фақат молиявий барқарорлиги асосида баҳолаш усуллари кенг қўлланилади ва улар Ўзбекистон тижорат банкларида ҳам мавжуд.

Тижорат банклари самарадорлигининг комплекс баҳолаш алгоритмига киритиш усуллари танлаш мақсадида банклар фаолияти натижаларини таҳлил қилишнинг мавжуд усуллари асосида тизимлаштирилган схема 4-расмда келтирилган.

<sup>11</sup> Ж.Юлдашев. Тижорат банкларини мижозга йўналтирилган маркетинг стратегиялари асосида рақобатбардошлигини ошириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2021 йил. 17-бет.

<sup>12</sup> Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тайёрланган.



4-расм. Тижорат банклари фаолияти натижаларини таҳлил қилишнинг асосий усуллари таснифи<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Муаллиф ишланмаси

Энг содда усуллардан бўлган банклар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг назарий усуллари ҳисобланган контент-таҳлил, сўров ва эксперт баҳолаш усуллари анъанавий усуллардир. Бироқ, Ўзбекистонда амалга оширилган тадқиқотларнинг аксариятида молиявий кўрсаткичлар асосида самарадорликни баҳолаш кенг тарқалган усуллардан ҳисоблананиб, эконометрик моделлаштириш асосида баҳолаш кенг қўлланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 майдаги “2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг Банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сон фармони билан “Тижорат банкларида банк хизматларини кўрсатиш сифатини баҳолаш услугиёти”ни киритиш таклиф этилган.

Мазкур услугиёт асосида Марказий банк томонидан банк хизматлари миждозлари орасида даврий сўровлар ўтказиш орқали банкларда хизмат кўрсатиш сифати баҳолаб борилиши белгилаб олинган. Тижорат банкларининг фаолиятига миждоз нуқтаи назаридан баҳолаш методологиясини киритиш таклиф этилади. Миждозлардан ўтказиладиган сўров усуллари асосида банк фаолияти, маҳсулотлари, хизматларининг алоҳида таркибий қисмларига муносабатини аниқлаш тижорат банкларининг фаолиятига маркетинг муаммоларини ечишга ёрдам беради.

Ҳалқаро амалиётда тижорат банкларининг миждоз билан муносабатлари асосида банкларнинг бозор фаолиятига баҳо берилади. Миждозлардан олинган фикр-мулоҳазалар асосида, уларнинг қониқиш даражасини тавсифловчи индивидуал кўрсаткичларни ҳисоблаш тавсия этилади. Тадқиқотлар натижаларига кўра муносабатлар маркетингининг учта асосий самараси мавжуд:

1) Иқтисодий самара (инвестициялар ўсиши, қўшилган қиймат, муносабатлар асосида харажатларни камайтириш);

2) Стратегик самара (стратегик мувофиқлик ва бозорга кириш ҳамда фаолият юритишнинг узок муддатлиги);

3) Хулқ-атвор самараси (ижтимоий алоқалар, ишонч ва маданият).

Ўзаро муносабатларни маркетинг стратегияси қарор қабул қилишнинг учта асосий йўналишига қаратилиши мақсадга мувофиқ:


муносабатлар маркетингининг қиймат жараёни ва керакли натижаларини белгилайди;

муносабатлар маркетингининг ўзаги сифатида ўзаро таъсир жараёнининг шаклини белгилайди;

муносабатларни ривожлантириш ва яхшилаш учун режалаштирилган коммуникация жараёнини белгилайди.

Диссертацияда Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларини миждоз нуқтаи назаридан баҳолаш бўйича методологик ёндашувлар “Ипотека-банк” АТИБнинг фаолиятида қўллаш асосида синовдан ўтган.

“Ипотека-банк” АТИБ миждозларидан йиғилган анкеталар 4 гуруҳга бўлинган бўлиб, унда жами 37 та савол ўрин олган. Тижорат банкларида миждозлар билан муносабатларни баҳолаш бўйича методологик ёндашув 5-расмда акс этган.



**5-расм. Банкнинг мижозларга йўналтирилган фаолият натижаларини баҳолаш модели<sup>1</sup>**

Банкнинг мижозларга йўналтирилган фаолият натижаси қуйидаги омиллар асосида аниқланади:

1) Ишонч –тижорат банкларининг мижозлар билан муносабатларининг яхши йўлга қўйилганлиги, мижозларнинг банкка бўлган ишончни оширади. Шунинг учун ишонч даражаси ўзаро муносабатлар маркетинги ҳолатини аниқлаш учун асосий омил сифатида киритилиши лозим.

2) Ўзаро муносабатлар даражаси - тижорат банкининг мижозларга йўналтирилган фаолият натижаси ўзаро муносабатлар даражасига боғлиқ. Бу асосан мижозлар билан ишлаш бўлимининг фаолият натижалари ҳисобланиб, ходимларнинг мижозлар билан алоқа қилиши, ахборотларни тўлиқ ва сифатли етказиб бера олиши, хушмуомалалиги ва бошқалар орқали аниқланади.

3) Муаммоларни ҳал этиш даражаси – тижорат банкларининг мижозлар билан муносабатлари банкнинг ўз мажбуриятларини бажариш қобилияти ва мижозларда юзага келадиган муаммоларни ҳал этиб бериш қобилияти билан белгиланади. Шунга асосан муаммоларни ҳал этиш ҳолати ўзаро муносабатлар маркетингининг асосий омили сифатида киритилиши мақсадга мувофиқ.

4) Коммуникация - мижозлар билан муносабатлар ҳолатини аниқлашда коммуникация асосий омил ҳисобланади. Тижорат банкларида ахборотлар билан ишлаш, мижозларга тегишли ахборотларни ўз вақтида ва сифатли етказиб бериш, реклама, PR ва бошқалар ўзаро муносабатлар даражасини аниқлаш учун асосий омил сифатида майдонга чиқади.

Кейинги индикаторлар тизими эса ҳар бир тижорат банки учун алоҳида аҳамият касб этадиган ва хизмат турларидан келиб чиқиб белгиланади. Сабаби, мижозлар билан мақсадли муносабатлар ўрнатиш тижорат банкларининг таклиф қилаётган маҳсулот ва хизматлари турига ва сифатига боғлиқ. Шунга асосланганда қуйидаги омилларни келтириш таклиф этилади:

1. Тижорат банкининг пластик карталар билан ишлаш тизими;

<sup>1</sup> Муаллиф ишланмаси

2. Тижорат банкининг депозитария билан ишлаш тизими;
3. Тижорат банкининг кредитлар билан ишлаш тизими;
4. Интернет банкинг;
5. Мобиль банкинг тизими.


Юқоридаги омиллар тижорат банкларининг мижозлар билан муносабатлар ҳолатини баҳолаш учун қуйидаги тенгламалар системасидан фойдаланилади:

$$Y_n = f(F_{Q_n}) \quad (1.1)$$

Бу ерда,

$Y_n$  – тижорат банкининг мижоз билан муносабатлар ҳолати;

$F_{Q_n}$  - ҳар бир хизмат турини мижознинг ликерт шкаласи асосида баҳолаш натижаси.



**6-расм. “Ипотека-банк” АТИБнинг хизмат турлари бўйича мижозлар билан муносабатлар даражаси.<sup>2</sup>**

<sup>2</sup> Муаллиф ишланмаси

Тижорат банкларининг мижозлар билан муносабатлар ҳолатига баҳо беришда омиллар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва корреляцион боғланиш зичлигини аниқлаш учун SmartPLS пакет дастурий воситаси асосида тизимли тенгламалар моделидан фойдаланиш тавсия этилади.

SmartPLS пакет дастурий воситаси PLS алгоритми омилларнинг таъсир кучини аниқлаш имкониятини беради. У омиллар таъсир кучини график интерфейсида ҳисоблаганлиги учун ҳам қулай ҳисобланади. SmartPLS пакет дастури асосида юқорида келтирилган ва асосий компонентларни ташкил этувчи яширин ўзгарувчилар асосида олинган PLSалгоритми б-расмда ифодаланган.

Path таҳлил асосида мижозлар билан муносабатларнинг самарадорлигига таъсир кучини ҳам аниқлаш имкониятини яратади.

2-жадвалда мижозлар билан муносабатлар бўйича танланган 4 та омилга тижорат банклари томонидан тақдим этилаётган хизмат турларидан юқори таъсир кучига эга бўлганларини ажратиб олиш мумкин.

## 2-жадвал

